Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020 йил Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2020-yil 21-fevral, juma 9 (9046)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИ ХАЛҚ КУТУБХОНАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари, азиз қардошим!
Ҳурматли тадбир иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Аввалambор, мана шундай ғоят муҳим ва шукуҳли маросимга таклиф қилганлари учун Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларига, муҳтарама Эмине Хоним Олияларига, қардош турк халқига чин қалбимдан миннатдорчилик изҳор этаман.

Муҳтарам дўстлар!

Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти – китоб ва кутубхоналарда, десак, адашмаган бўламиз.

Барчангизни қадрли биродарим Эрдоған Жаноби Олийларининг ташаббуси ва раҳнамолигида барпо этилган Туркия Президенти девонининг Халқ кутубхонаси билан самимий мубораквод этаман.

Қадимий ва замонавий меъморчилик анъаналари, муҳандислик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, турк халқининг буюк ўтмиши, бунёдкорлик салоҳияти, бой маънавий оламини ўзида ёрқин мужассам этган бу маҳобатли кошона ҳар қандай юксак таҳсинга муносибдир.

Агар азим Анқара Туркия мамлакатининг тожи бўлса, ушбу кутубхона ана шу тожга ўрнатилган энг ёрқин, энг гўзал гавҳарлардан бири бўлибди.

Бу тенги йўқ маърифат қасри барчангизга, бутун Туркия халқига муборак бўлсин.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Биз Туркия Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олганини ҳамиша миннатдорлик билан эслаймиз.

Бугунги кунда гўзал мамлакатингиз улкан сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий салоҳиятга эга бўлган давлат сифатида дунёда тобора равнақ ва шуҳрат топиб бормоқда.

Замонамизнинг йирик давлат ва сиёсат арбоби Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийлари раҳбарлигида Туркия халқи эришаётган барча ютуқлар замирида, аввалambор, инсон омилига, илм-маърифатга беқиёс эътибор мужассам эканини биз яхши биламиз. Сизларнинг бу борадаги ноёб тажрибангизни ўрганишга доимо интиламиз.

Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва халқларимизнинг қўллаб-қувватлаши билан дўстлик ва ҳамкорлигимиз тарихида мутлақо янги саҳифа очилди. Кеча бўлиб ўтган Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бу йўлдаги янги амалий қадамдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгашига қўшилди. Биз барча аъзо мамлакатлар қатори Туркия билан муносабатларимизни янги босқичга кўтариш учун фаол ҳаракат қилмоқдамиз. Давлатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт ва коммуникация, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Илм-маърифат ва китобхонлик маданиятига бўлган катта қизиқиш ва эътибор халқларимизни ўзаро яқинлаштирадиган бебаҳо қадриятдир.

Мамлакатимизда 2020 йилни **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”** деб эълон қилганимиз **“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** деган улуғвор ғоямизга тўла мос келади.

Азиз қардошлар!

Тарих саҳифаларига назар солсак, халқларимизнинг маданий ҳамкорлиги олис даврлардан бошланганига гувоҳ бўламиз. Рум элида туғилиб камолга етган Қозизода Румий буюк давлат арбоби ва аллома Мирзо Улуғбек расадхонасининг асосчиларидан бири бўлганини биз ифтихор билан эслаймиз.

Ўз навбатида, Мирзо Улуғбекнинг садоқатли шогирди, машҳур астроном ва математик Али Қушчи ҳаётининг сўнгги йилларини Туркияда ўтказгани ва бу юртда аниқ фанлар ривожига беқиёс ҳисса қўшганини ҳам барчамиз яхши биламиз. Али Қушчининг набираси Мирим Чалабий ҳам бобоси сингари атоқли аллома бўлиб танилган ва бунда турк илмий-маърифий муҳитининг улкан хизматлари борлиги шубҳасиз.

Ўзаро маданий ҳамкорлигимиз ҳақида сўз борганда, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бу жараёнда ғоят муҳим ўрин тутганини таъкидлаш лозим. Тарихий манбалар XV асрда турк ҳукмдори Боязид Иккинчининг Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий билан мактублар ва элчилар орқали ўзаро мулоқотда бўлганидан гувоҳлик беради.

Туркиянинг машҳур олим ва адиблари Алишер Навоийни туркий дунёнинг энг буюк шоири, турк тилининг ҳимоячиси сифатида улуғлаб келадилар. Туркия китоб фондларида беназир шоиримиз асарларининг 100 дан ортиқ қўлёзмалари сақланаётгани ҳам шундан далолат беради.

Алишер Навоий бебаҳо ижоди билан бугун ҳам туркий халқларни маънавий жиҳатдан бирлаштиришга хизмат қилиб келмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ҲАР ҚАЙСИ ДАВЛАТ, ҲАР ҚАЙСИ МИЛЛАТ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ, ЮКСАК МАЪНАВИЯТИ БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан 19-20 февраль кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 февраль куни Анқара шаҳрида Туркиянинг етакчи компаниялари ва банклари раҳбарлари билан учрашди. Тадбирда Туркия савдо палаталари ва биржалари уюшмаси, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги, “Гебзе” уюшган саноат зонаси, “Зираат” банки, “Зорлу холдинг”, “Жошкуноз холдинг”, “Экзачибаши”, “Байкар”, “Дунягоз”, “Канимед саглик”, “Бау глобал”, “Хавелсан” каби қатор компаниялар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистонда қулай бизнес муҳитини яратиш бўйича қилинаётган ўзгаришлар ва хорижий инвесторларга яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлар туркиялик ишбилармонларнинг юртимизга қизиқишини оширди. Жумладан, охирги йилларда ўзаро савдо ҳажми икки баробардан зиёдга ортди. Қўшма ширкатлар сони салкам мингтага кўпайди. Транспортда ташиш кўламлари жадал кенгайиб бормоқда.

Бугунги кунда Туркия компаниялари мамлакатимизда қурилиш, энергетика, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, туризм, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда фаолият юритмоқда. Бунда қўшма сармоявий лойиҳалар ижроси назоратга олингани, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш рағбатлантирилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Масалан, 2019 йилда Туркиянинг “Calik Enerji” компанияси иштирокида Навоий иссиқлик электр станциясининг иккинчи буғ-газ қурилмаси ишга туширилди.

Мамлакатимизда 1993 йилдан буён ваколатхонаси фаолият кўрсатаётган Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги юртимиздаги тиббиёт ва таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилишида фаол қатнашиб келмоқда.

Ўзбекистонга қизиқиш билдираётган турк компаниялари тиббиёт, таълим, машинасозлик каби соҳаларга инвестиция киритиш, халқаро сифат стандартларини жорий этиш орқали юқори саноатлашган маҳсулотлар ишлаб чиқариб, учинчи давлатларга экспорт қилишни режалаштирмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда бизнес муҳити ўзгаргани, бюрократияга барҳам берилгани, хорижий инвесторларга эшиклар очилгани, уларга эркин ишлаши учун кафолат берилишини таъкидлади. Жумладан, Ўзбекистонда инвесторларга худди Туркиядаги каби барча шароитлар яратиб берилишини қайд этди.

– Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Бугун мамлакатимизга кирган компания албатта манфаат топади. Мен бунга кафолат бераман. Бунинг учун зарур ҳуқуқий, институционал шароитлар яратиб берилади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўтган йили инвестиция бўйича қонун қабул қилинди. Бу қонун билан эндиликда Ўзбекистонда инвесторларнинг барча ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

(Давоми 2-саҳифада)

Жиззахда рус, инглиз, корейс тилларига ихтисослаштирилган боғча иш бошлади

Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов тумани “Учтепа” маҳалла фуқаролар йиғинида “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан ажратилган имтиёзли кредит эвазига 150 ўринли “Kids-kids” номли давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

Рус, инглиз, корейс тилларига ихтисослаштирилган муассасада 6 гуруҳда 100 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Гуруҳларга олий маълумотли ва тажрибали тарбиячи, икки нафар ёрдамчи бириктирилган.

– Муассасамизда имконияти чекланган, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун алоҳида имтиёзлар берилади, – дейди “Kids-kids” номли МТМ мудираси Назира Абдуқодирова. – Сўзлашувида нуқсони бор болалар билан логопед, дефектолог ва психолог алоҳида шуғулланади.

Маънавият хоналари, сузиш ҳавзаси, спорт анжомлари билан жиҳозланган хоналарда шахмат-шашка, қўл жанги, кураш, ментал арифметика, қизлар учун гимнастика тўгараклари ҳам ташкил этилган.

Жамшид ЁРБЕКОВ (ЎзА)
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЛИМОНЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республикада лимончилик тармоғини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, лимонзорлар майдонини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш борасида изчил чоралар амалга оширилмоқда.

Жумладан, республикада 2018-2019 йилларда **46** миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий кредит линиялари жалб қилиниб, **730** гектар майдонда замонавий лимонзорлар барпо этилди, лимон етиштириладиган иссиқхоналар умумий майдони **1 221** гектарга етказилди.

Шу билан бирга, инновацион технологиялар асосида янги, серҳосил ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган лимон навларини яратишга етарли эътибор берилмаётганлиги, сифатли ахборот-консалтинг хизматларини кўрсатиш талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги, кооперация муносабатлари тўлиқ шаклланмаганлиги оқибатида соҳадаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаяпти.

Республикада лимончилик тармоғини янада ривожлантириш, илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, илғор ва замонавий ресурс тежовчи технологияларни қўллаш асосида юқори сифатли саноатбоп ва экспортбоп лимон етиштириш ҳажмини ошириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини кенг жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмасининг:

“Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси номини **“Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар”** уюшмаси (кейинги ўринларда – Уюшма) деб ўзгартириш;

тажриба тариқасида Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳузурида Уюшма иштирокида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида масъулияти чекланган жамияти шаклидаги **Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқулансин.

Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилар эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

кооперация шартлари асосида цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларга етказиш;

сертификатланган ва кафолатланган лимон кўчатларини етиштириш бўйича махсус кўчатхоналарни ташкил этиш ҳамда лимон кўчатларини етиштирувчи хўжаликлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

мавжуд иссиқхоналарни модернизация қилиш ҳамда серҳосил, экспортбоп лимон навлари коллекциясини ва кўргазмали лимон плантацияларини яратиш;

цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар, экспорт ва импорт маҳсулотларини сертификатлаш;

цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар, шунингдек, манзарали ўсимликлар, гуллар ва кўкаламзорлаштириш экинлари кўчатларини етказиб бериш;

маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни минерал ўғитлар ва кимёвий моддалар билан таъминлаш;

(Давоми 3-саҳифада)

Навоий вилояти

Навоий шаҳри ва Мўйноқ тумани биродарлашган ҳудудлар

Президентимиз томонидан Мўйноқ туманига қаратилаётган эътибор, айниқса, Орол денгизи атрофини кўкаламзорлаштириш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар ҳудудга янги қиёфа туҳфа этаяпти.

Айни кунларда Навоий шаҳар ҳокими Муҳиддин Базаров, вилоятдан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ҳамда Ёшлар иттифоқи вилоят ва шаҳар Кенгаши раҳбарлари Оролбўйи, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида хизмат сафарида бўлиб турибди.

Вилоят делегацияси билан бирга 4500 та кўчат, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ҳудуд ёшлари учун улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг “Хамса” достонининг 500 нусхасини ўзида жамлаган саховат карвони ҳам Мўйноққа отланди.

Шу куни Навоий вилоятидан Орол бўйига етиб борган саховат карвонида жамланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бадиий китоблар Мўйноқ аҳлига тақдим этилди.

Вилоят делегацияси томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида Навоий вилояти учун ажратилган 4 гектар ер майдонида “Навоий ташаббус боғи”-ни барпо этиш учун кўчат ўтказиш ишларини амалга оширмоқда.

Навоийликлар ҳудуд учун ажратилган 4 гектар ер майдонида манзарали кўчатларни экиш ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Махсус техникалар кўмагида майдонларнинг пешма-пеш тайёрланаётгани, кўчатларнинг меҳр ва яхши ният билан ерга ўтқазилаётгани эртанги кун учун қўйилган дадил қадам бўлмоқда.

Энг муҳими, бу хайрли тадбирга мўйноқлик ёшлар ҳамда маҳаллий аҳолининг ҳам муносиб ҳисса қўшишга бел боғлагани янада аҳамиятлидир.

Зеро, бугун экилган ниҳоллар эртага ҳудуд экологиясини яхшилашда алоҳида ўрин тутади.

Ташриф давомида Навоий шаҳар ҳокими Муҳиддин Базаров ҳамда Мўйноқ тумани ҳокими Ерпўлат Еденбаев иштирокида Навоий шаҳри ҳамда Мўйноқ туманлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари тўғрисида келишув имзоланди.

Шунга асосан, Навоий шаҳри ва Мўйноқ туманларининг икки томонлама дўстона алоқаларни ривожлантириш, ҳудудларнинг ўзаро манфаатларига мос келадиган ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида Навоий шаҳри ва Мўйноқ тумани биродарлашган ҳудудлар, деб эълон қилинди.

Энг муҳими, бу орқали келгусида биродарлашув алоқалари мустаҳкамланиб, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатларга мос келадиган самарали ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Шунингдек, икки томон бизнес доираларининг муносабатлари ривожланишига ҳақиқий тамал тоши қўйилди.

Вилоят делегациясининг Мўйноқ туманида хизмат сафари давом этмоқда.

Отабек АСЛОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Замонавий турк адабиёти, халқ достонлари, антологиялар ўзбек тилида нашр этилиб, китобхонларимизнинг маънавий мулкига айланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИ ХАЛҚ КУТУБХОНАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Боши 1-саҳифада)

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Халқимиз тарихининг оғир ва мураккаб даври, яъни XX аср бошида жадид боболаримиз Ватанимиз мустақиллиги йўлида фидойилик билан курашганлар. Бу борада улар туркиялик маърифатпарварлар билан фаол ҳамкорлик қилганлари, бу диёрда таълим олиб, янги ғоя ва қарашларга эга бўлганларини яхши биламиз.

Ўша йилларда Абдурауф Фитрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Саид Аҳрорий сингари атоқли адиб ва арбобларимиз Туркияда таҳсил олганлар. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ибрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон каби ўнлаб улуғ ватандошларимиз турк маданияти ва адабиёти руҳида тарбия топганлар. Минг афсуски, уларнинг аксарияти мустабид тузум даврида сиёсий қатағон қурбони бўлганлар.

Бугунги кунда биз Ўзбекистонда жадидчилик ҳаракатининг ноёб меросини чуқур ўрганиш бўйича катта ишларни бошладик. Ўтган йили мумтоз адибимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигини кенг миқёсда ўтказдик. Бу йил машҳур жамоат арбоби, аллома ва адиб Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини нишонлаймиз. Биз бу аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини қанча кўп ўргансак, бизни ўйлантираётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз.

Айни пайтда ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари билан бир қаторда замонавий шоир ва ёзувчиларимизнинг асарлари ҳам Туркияда мунтазам нашр этилаётганини биз юксак баҳолаймиз. Мамлакатингизнинг бир қатор олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти ўқитилаётгани, Истанбулда буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний номидаги университет фаолият олиб бораётгани бизни мамнун этади.

Гўзал ва бетакрор турк диёрида ўзбек халқи тарихи ва маданияти билан боғлиқ ўнлаб жой номлари – маҳалла ва марказлар, тақлар юз йиллар давомида безавол сақланиб келмоқда. Бундай бағрикенглик ва дўстона муносабат учун Туркия раҳбарияти ва халқига яна бир бор ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

Бизнинг юртимизда ҳам турк адабиёти ва санъатига қизиқиш тобора ортиб, улар илмий ва таълим масканларида кенг ўрганилмоқда. Мавлоно Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Аҳмад Пошо, Сайди Али Раис Котибий, Тошлижали Яҳё, Ҳамди Чалабий сингари буюк шоирлар ижодини халқимиз севиб ўқийди.

Шу билан бирга, замонавий турк адабиёти, халқ достонлари, антологиялар ўзбек тилида нашр этилиб, китобхонларимизнинг маънавий мулкига айланганини таъкидлаш лозим.

Азиз қардошлар!

Биз илм-маърифатни кенг маънода тушунамиз. Шу сабабли юртимизда дунёвий таълим даргоҳлари билан бирга диний мактаб ва мадрасалар, илмий-маърифий марказлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида кўп асрлик маърифат хазинасини ўзида мужассам этадиган, фундаментал тадқиқотлар олиб бориладиган Ислом цивилизацияси марказини бунёд этмоқдамиз.

Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда бошқа фанлар қатори ҳадис, калом, ақида, тасаввуф, фиқҳ илмлари чуқур ўрганилмоқда.

Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси, Тошкент Ислом маъҳади, Ўзбекистон халқаро Ислом академияси сингари олий ўқув юртларида етук малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Бу йил ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, ақида илмида мактаб яратган алломалар – Абу Мансур Мотуридий ва Абу Муин Насафийга бағишланган халқаро илмий конференциялар ўтказиш ниятидамиз. Шунингдек, улуғ аллома – насли-насаби туркиялик бўлган Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг, Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг таваллуд айёмларини, Мир Араб мадрасасининг 500 йиллигини ҳам юқори савияда ўтказишни ният қилганмиз.

2020 йил **Бухоро шаҳри – "Ислом маданияти пойтахти", Хива шаҳри – "Туркий дунё маданияти пойтахти"**, деб эълон қилинди. Шу муносабат билан жорий йил давомида мамлакатимизда бир қатор халқаро анжуманлар ташкил этилади. Туркиялик муҳтарам олиму уламоларимиз ушбу маданий-маърифий тадбирларнинг азиз меҳмонлари бўладилар, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд ноёб қўлёзма асарлар сақланмоқда. Бироқ, айтиш керакки, уларнинг аксарияти ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Бу маънавий хазинани ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва оммалаштириш олдимизда турган муҳим ва шарафли вазифадир.

Фурсатдан фойдаланиб, мен Ўзбекистон ва Туркия университетлари, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга даъват этаман. Бу жараёнларда Туркиянинг бугун очилаётган ушбу энг улкан кутубхонаси ва 150 йиллик тарихга эга бўлган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ташаббускор бўладилар, деб умид қиламан.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Бугун Туркияда катта шодиёна, таъбир жоиз бўлса, маънавият ва маърифат тўйи бўлиб ўтмоқда. Бизнинг халқимизда **"Тўйга тўёна билан бормоқ лозим"**, деган ҳикматли сўз бор.

Шунга кўра, биз Туркия Президенти девонининг Халқ кутубхонасига 350 дан зиёд турли мавзудаги китобларни келтирдик. Уларнинг орасида дунёда ўта ноёб бўлган, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган "Усмон Мусҳафи"нинг моҳир хаттотларимиз томонидан кўчирилган нусхаси ҳам бор.

Бутун ислом оламининг фахри бўлмиш мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратларининг машҳур "Маснавий" асари қўлёзмасининг факсимиле нашрини сиз, азизларга тақдим этамиз.

Маълумки, буюк аллома Абу Бакр ар-Розийнинг "Касалликлар тарихи" номли асари бутун дунёда шуҳрат қозонган. Бу китобни XVIII асрда истанбуллик табиб, шоир ва хаттот Муҳаммад Рафиъ арабчадан турк тилига таржима қилиб, ўз қўли билан кўчирган. Биз келтирган китоблар ичида ушбу қўлёзманинг факсимиле нусхаси ҳам бор.

Айни вақтда "Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари" номли китоб-альбом адабий ҳамкорлигимизнинг чуқур тарихий илдизларидан далолат беради.

Нафақат Туркия, балки бутун мусулмон оламининг оташнафас шоири бўлган Юнус Эмронинг "Ўлмас кўнгул" номли янги китоби яқинда мамлакатимизда ўзбек тилида нашр этилди. Мен ушбу китобга "Сўзбоши" ёзиш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.

Ижозатингиз билан Юнус Эмронинг дўстлик ҳақидаги шеърий сатрларини келтирмоқчиман:

Менинг тилим – қуш тилидур,
Менинг қўлим – дўст қўлидур.
Мен булбулман, дўст гулимдур,
Билинг, гулим сўлмас менинг.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгаши доирасида **"Туркий адабиёт хазинаси"** рукнида 100 жилдлик китоблар туркумини нашр этиш ғоясини илгари сурган эди. Ана шу эзгу ташаббуснинг илк самараси ўлароқ, Юнус Эмронинг ушбу асарини ҳам Президент девони Халқ кутубхонасига тақдим этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги тантанали маросим билан яна бир бор чин юракдан қутлайман.

Бу муаззам кутубхона Туркия халқи, Туркия ёшлари учун, илм-маърифатни юксак қадрлайдиган барча инсонлар учун чинакам маънавият саройига айланишини қодир Аллоҳдан сўраб қоламан.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ҲАР ҚАЙСИ ДАВЛАТ, ҲАР ҚАЙСИ МИЛЛАТ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ, ЮКСАК МАЪНАВИЯТИ БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР

(Боши 1-саҳифада)

Президентимиз эндиликда туркиялик ишбилармонлар билан мунтазам мулоқот олиб борилиши, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида 5 нафар ходим фақат инвестиция бўйича ишлашини таъкидлаб, турк тадбиркорларини фаолликка чорлади.

Учрашувда келишувлар ва имзоланган битимларни кенг кўламда амалга ошириш, савдо, инновация, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт, туризм, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни фаол илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Туркиялик ишбилармонлар ўтган йили Ўзбекистонга боргани, иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўзгаришларга, одамларда "ислоҳотлар тафаккури"га гувоҳ бўлганини таъкидлади. Ўзбекистон бозорига кириш, ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ниятида эканини билдирди.

Шу билан бир қаторда "Ronesans Holding" билан "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятини модернизация қилиш ва ривожлантиришга 630 миллион евро, Олмалиқ кон-металлургия комбинатига 4,1 миллиард доллар тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш, шунингдек, шифохоналар ва савдо марказларини қуриш бўйича умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларлик янги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида келишувларга эришилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Туркиянинг вазирлик ва компаниялари ўртасида алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро маҳсулот етказиб бериш, хизмат кўрсатишни кенгайтириш, клиникалар ва олий ўқув юртлари ташкил этиш бўйича аниқ лойиҳалар муҳокама қилинди. Президентимиз бу режаларни маъқуллаб, мутасаддиларга тез фурсатларда амалий ишларга ўтиш, бюрократик тўсиқларсиз уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича топшириқлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Анқара шаҳрида Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Туркия раҳбари Режеп Таййип Эрдоған ташаббуси билан бунёд этилган ушбу мажмуа Президент қароргоҳидан ташқари турли давлат муассасалари, конгресс-хол, маданият маркази, масжид ва Халқ кутубхонасидан ташкил топган. 4 миллион босма нашр ва 120 миллиондан зиёд электрон файлдан иборат фондга эга кутубхона хизмат даражаси бўйича дунёдаги энг улканларидан биридир. Ушбу маънавий бойлик маскани Президент қароргоҳи – Жумҳур башканлиги саройи ёнида қурилгани ҳам унинг аҳамиятини кўрсатади.

Кутубхона архитектураси, шунингдек, бутун мажмуа лойиҳаси турк муҳандиси Шафик Бирке томонидан миллий меъморлик ва замонавий услубларни уйғунлаштирган ҳолда ишланган. Лойиҳани яратишда бир қанча ривожланган давлатлар зиё масканлари, АҚШдаги Президент кутубхонаси, Буюк Британия, Франция миллий кутубхоналари тажрибалари ўрганилган.

Кутубхона қурилиши 2015 йили бошланган. Умумий майдони 125 минг квадрат метрдан иборат бинонинг асосий қисми 11 қават бўлиб, марказий катта гумбаз ва фойе, ўқиш ва кўп тармоқли заллар, қадимий қўлёзма адабиётларни реставрация қилиш лабораторияси, архив мажмуаси, кўргазма майдонлари, болалар учун аудио ва видео кўриш хоналари, нашрларни сақлаш фондлари, кафелар, ресторанлардан ташкил топган.

Ушбу маърифат маскани энг замонавий техник имкониятларга эга бўлиб, янги форматдаги кутубхона хизматларини ўзида мужассам этган.

Очилиш маросимида бутун дунёдан икки мингга яқин меҳмон – олимлар, ёзувчилар, таълим ва маданият намояндалари, давлат ва жамоат арбоблари қатнашди. Шавкат Мирзиёев Туркия Президенти томонидан таклиф этилган олий даражадаги ягона меҳмон бўлди.

Бунда ҳам ўзига хос чуқур маъно бор. Давлатимиз раҳбарининг китобга меҳри, китобхонлик тарғиботига эътибори бўлакча. Маърифат, таълим, ёшлар тарбиясига оид халқаро ташаббуслари ҳам барчага маълум. Жорий йил Ўзбекистонда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб эълон қилингани ҳам илмга эътиборнинг яна бир далолати.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари шундай муҳим ва шукуҳли воқеага таклиф учун миннатдорлик билдириб, қардош турк халқини ушбу илм-маърифат маскани билан муборакбод этди.

– Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти – китоб ва кутубхоналарда, – деди Президентимиз.

Ўзбек ва турк халқларининг илдизи бир, маънавияти муштарак. Имом Бухорий, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Алишер Навоий мероси халқларимизнинг миллий юксалишига катта ҳисса қўшган. Қозизода Румий Самарқандда мударрислик қилган. Али Қушчи ҳаётининг сўнгги йилларини Истанбулда ўтказган. Абдурауф Фитрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Саид Аҳрорий каби кўплаб жадид боболаримиз Туркияда таҳсил олган.

Бугунги кунда Истанбулда Абу Райҳон Беруний номидаги университет бор. Туркия китоб фондларида Алишер Навоий асарларининг 100 дан ортиқ қўлёзмалари сақланиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари юртимизда замонавий мактаблар, илмий-маърифий марказлар ташкил этилаётганини таъкидлади.

Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, ҳадис, калом, ақийда, тасаввуф, фиқҳ мактаблари очилган. Тошкент шаҳрида кўп асрлик маърифат хазинасини намоён этадиган, фундаментал тадқиқотлар олиб бориладиган Ислом цивилизацияси маркази бунёд этилмоқда.

Бу йил улуғ алломалар Абдухолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудларига бағишланган тадбирлар ўтказилади. Маҳмудхўжа Беҳбудий туғилганининг 145 йиллик санаси нишонланади. Шунингдек, жорий йилда Бухоро шаҳри "Ислом маданияти пойтахти", Хива шаҳри "Туркий дунё маданияти пойтахти" деб эълон қилингани муносабати билан бир қатор халқаро анжуманлар ташкил этилиши режалаштирилган.

Президентимиз туркиялик олимлар, адабиётшунос ва диншуносларни ушбу маданий-маърифий тадбирларга таклиф этди. Ўзбекистоннинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд ноёб қўлёзма асарлар сақланаётгани, уларнинг аксарияти ўз тадқиқотчиларини кутаётганини таъкидлади.

Туркия Президенти ушбу қувончли айёмда Ўзбекистон Президенти рафиқаси билан бирга иштирок этаётгани учун ташаккур изҳор этди.

– Ўзбекистон биз учун маданий тасаввуримизни шакллантирган, олимларни етиштирган, илм, ирфон ва маънавий дунёмизни таъминлаган ҳаётий манбаларимиздан энг муҳимидир, – деди Режеп Таййип Эрдоған. – Илм муҳити асрлар давомида Тошкент билан Анқара, Самарқанд билан Конё, Бухоро билан Бурса, Хива билан Эдирнени боғлаб, ўзаро бойитгандир. Бу кун Халқ кутубхонасини Жаноби Олийлари билан биргаликда очиб, муштарак маданиятимиз ҳақида бутун дунёга муҳим бир ишора бермоқдамиз.

Шавкат Мирзиёев дунёда ўта ноёб бўлган "Усмон Мусҳафи"нинг хаттотларимиз томонидан кўчирилган нусхаси, Жалолиддин Румийнинг машҳур "Маснавий" асари ҳамда Абу Бакр ар-Розийнинг "Касалликлар тарихи" асари қўлёзмаларининг факсимиле нусхалари, "Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари" номли китоб-альбом, Юнус Эмро шеърларининг ўзбек тилига таржимаси жамланган "Ўлмас кўнгул" деб номланган китобларни кутубхонага туҳфа қилди.

Шунингдек, Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасига 350 дан зиёд турли мавзудаги китоблар тақдим этилди.

Давлат раҳбарлари рафиқалари ҳамроҳлигида Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонаси фаолияти билан танишди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси мазкур маҳобатли кошонанинг биринчи фахрий меҳмонлари бўлишди.

Ноёб китоблар кўргазмаси намойиш этилди. Туркия Президенти давлатимиз раҳбарига ноёб китоблардан бирини совға қилди. Давлат раҳбарлари биргаликда Ўзбекистондан келтирилган китоблар кўргазмаси билан ҳам танишдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига ташрифи якунланди. Олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия мулоқотининг янги форматига асос солган ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим истиқболларини белгилаб берди. Ўтказилган учрашув ҳамда музокаралар, имзоланган ҳужжатлар, эришилган келишувлар икки давлат муносабатлари ва қардош халқлар дўстлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА махсус мухбири.

Анқара

Сирдарё вилояти

Оқолтин тумани Сардоба шаҳарчаси Робот кўчаси 3 уйда яшовчи Х.Б. оиласида шу йилнинг 17 февраль кунига ўтар кечасидаги ёнғин оқибатида рўй берган фожиа бутун сирдарёликлар қалбини ларзага келтирди. Бепаровалик натижасида оилада 6 киши вафот этди, уй ёнғиндан катта талафот кўрди.

Эътиборли ва меҳр-оқибатли бўлайлик!

Вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев, секторлар ва барча вилоят корхона ҳамда ташкилотлари раҳбарлари фожиа рўй берган хонадонга бориб, оиланинг яқинлари, қариндош-уруғлари дарди, мусибатига шерик бўлдилар. Вилоят ҳокими оиланинг тирик қолган ягона қизига (у ўша куни бахтли тасодиф билан холасиникига меҳмонга кетганди) ҳамдардлик билдириб, уни ўз фарзандидек тарбиялаб, ғамхўрлик кўрсатажагини очиқлади. Вафот этганларнинг маракаларини ўтказиш, ёнғиндан талафот кўрган уйни қайта таъмирлаб, тартибга келтириш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берди. Шунингдек, ҳоким таъзияда қатнашган барча раҳбарлар, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакилларини огоҳликка чақириб, бу оиладаги мусибатдан ҳар бир инсон тўғри хулоса чиқариб олиши кераклигини, бир мақсад, ният йўлида интилаётган сирдарёликлар меҳр-оқибатни асло унутмасликларини, бепарволик шундай бахтсизликларга олиб келиши мумкинлигини уқтириб ўтди.

Огоҳ бўлинг, ўз уйингизни, бир-бирингизни асранг, азизлар! Токи, юқоридаги сингари мудҳиш воқеа ҳаммамизга ибрат бўлсин.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари Ҳиндистонда ҳам эътироф этилди

"Ҳунарманд" уюшмасида 1-16 февраль кунлари Ҳиндистоннинг Харяна штатида ўтказилган "Surajkund Mela" 34-халқаро ҳунармандчилик фестивалида иштирок этиб қайтган ҳунармандлар билан учрашув бўлди.

Фестивалда 60 мамлакатдан меҳмонлар иштирок этган. Бу йил Ўзбекистон нуфузли тадбирда иштирок этиш учун шерик давлат сифатида танлаб олинган. Ўзбекистонлик ҳунармандлар миллий санъатимиздаги ютуқлар, фольклор ва туристик жозибадорликни кенг намойиш этди.

Миллий каштачилик, ипак, адрас, бахмал матолари, улардан тикилган либос ва аксессуарлар, кулолчилик, гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлиги намуналари, миллий матолар, миниатюра санъати каби ижодий ишлар хорижликларда катта таассурот қолдирди.

Фестиваль очилишида Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натҳ Ковинд иштирок этди. Президент ўзбек ҳунармандларининг маҳсулотлари билан танишди.

– Фестивалда ҳиндистонлик ҳунармандлар билан тажриба алмашдик, – деди фарғоналик ҳунарманд Юсуфжон Мамаюсупов. – Айниқса, қўлда газлама тўқиш дастгоҳига, ёғоч ўймакорлиги асосида тайёрланган турли лаганлар ва лавҳга, каштачилик буюмларига кўпчилик қизиқди. Иштирокчилар "Қўлда шундай ажойиб буюмлар тайёрлаш мумкинми, буни қандай ўрганса бўлади?" деган саволларни берди. Маҳорат дарслари ўтдик. Келишувларга эришдик. Миллий матоларимизга ҳиндистонликлар, бошқа хорижлик иштирокчилар катта қизиқиш билдирди.

Навоийлик каштадўз Феруза Омонова ва фарғоналик ҳунарманд Юсуфжон Мамаюсупов фестиваль кубогини қўлга киритди.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири.

Янги тизим, тежамкор технологиялар
Сувдан самарали фойдаланишга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЛИМОНЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни қайта ишлаш, янги инновацион технологияларни жорий қилиш ва хизмат кўрсатиш;

соҳани ривожлантириш бўйича хорижий технологиялар, фан ва ишлаб чиқаришдаги ютуқлар, янгиликларга оид ролик ва махсус кўрсатувлар тайёрлаш.

Марказ фаолияти банк кредитлари, ташаббускорлар маблағлари, хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар, халқаро молия институтлари маблағлари, ҳомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Уюшма билан биргаликда **икки ой муддатда**:

Марказга Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳудудидан бино ва иссиқхона учун 12 гектар ер майдони ажратилишини;

Уюшма, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳамда хусусий шерик ўртасида уч томонлама шартнома тузилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Уюшманинг **2020 йил 1 мартдан бошлаб** лимонзорларни барпо этишнинг қуйидаги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш агентлиги:

янги барпо этиладиган лимонзорлар учун стандартларни (кўчат нави ва сифати, экиш схемаси, иссиқхонага қўйиладиган талаблар, ресурс тежовчи технологиялар ҳамда бошқалар) белгилайди;

лимончилик тармоғини ривожлантиришда илғор хорижий тажриба ва ресурс тежовчи инновацион технологиялар жорий этилишини ташкил қилади;

лимонзорларни ташкил этиш харажатларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли ресурслари ва грант маблағларини жалб этиш чораларини кўради;

қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлар иштирокида ташкил этиладиган кооперациялар (кластерлар) раҳбарлари ва лимон етиштирувчилар учун ўқув-семинарларни ташкил қилади;

сертификатланган ва кафолатланган лимон кўчатларини етиштириш бўйича махсус кўчатхоналарни ташкил этади ҳамда лимон кўчатларини етиштирувчи хўжаликлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

кооперация (кластер) асосида ишлайдиган қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлар рўйхатини шакллантиради ҳамда уларга лимон етиштирувчиларни бириктиради;

лимонзорлар учун талаб қилинган ер майдонларининг қисқа муддатларда ажратилишини ва белгиланган стандартлар асосида барпо қилинишини таъминлайди;

ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, белгиланган агротехник тадбирларни ўз муддатида амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилайди;

в) қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлар иштирокида ташкил этиладиган кооперациялар (кластерлар):

лимон етиштирувчилар билан ўзаро ҳамкорлик асосида кооперация фаолиятини йўлга қўйиш, етиштирилган маҳсулотни саралаш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш бўйича самарали иш юритиш тизимини жорий қилади;

лимонзорларни барпо этади ва уларни лизинг шартлари асосида узоқ муддатга тадбиркорлик субъектларига беради, агротехник тадбирларни амалга ошириш учун мутахассис ажратади, илмий асосланган агрономик тавсиялар бериб боради;

лимон етиштирувчилар талаби асосида уларни лимон кўчатлари, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлайди;

соҳа олимлари ва кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисларни жалб қилиб, лимон етиштирувчиларнинг малакасини ошириб боради;

г) маҳсулот етиштирувчилар:

кооперация талаблари асосида лимон кўчатларининг тўлиқ экилишини, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

лимонзорларни барпо этиш бўйича харажатларнинг келишилган қисми бўйича дастлабки тўловларни амалга оширади;

тузилган шартномаларга мувофиқ етиштирилган маҳсулотларнинг белгиланган вақтда ва сифатда етказиб берилишини таъминлайди.

4. Қуйидагилар:

2020 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ишга тушадиган лимончилик йўналишидаги лойиҳаларнинг манзилли рўйхати **1-илова**га мувофиқ;

лимон етиштиришга ихтисослаштириладиган ҳудудлар рўйхати **2-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

а) лимонзорлар пахта ва ғалладан бўшаган ҳамда фойдаланишга киритиладиган ер майдонларида ресурс тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда барпо этилади;

янги лимонзорлар "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида ажратиладиган, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан барпо этилади;

б) 2020 йил 1 мартдан бошлаб кооперацияларга бирлашган лимон етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорлик субъектларига:

янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ҳар бир гектари учун 30 миллион сўмдан ошмайдиган миқдори Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан;

лимон меваларининг экспорти билан боғлиқ транспорт (темир йўл ва авиация транспорти) харажатларининг 25 фоизигача бўлган миқдори Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан субсидия сифатида қоплаб берилади.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, кооперацияларга бирлашган лимон етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–4549-сон қарорида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги:

тижорат банклари билан биргаликда лимончилик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг камида **100 миллион** АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари жалб этилишини;

"Туронбанк" акциядорлик тижорат банки билан биргаликда халқаро молия институтларининг **100 миллион** АҚШ доллари миқдоридаги хорижий кредит линияларини лимончилик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **бир ой муддатда** лимончилик бўйича 2020-2024 йилларга мўлжалланган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион илмий-техник лойиҳаларни шакллантирсин ҳамда уларнинг грант танловлари асосида амалга оширилишини таъминласин.

Бунда лимон кўчатларининг иссиқхона ва очиқ майдонда парвариш қилинадиган янги навларини яратиш, оналик кўчатзорларни ташкил этиш, зараркунанда ҳамда касалликларга қарши курашиш, инновацион технологияларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига:

бир ой муддатда лимончиликни ривожлантириш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ресурс тежовчи технологияларга асосланган лимонзорларни барпо этиш ва парваришлаш, маҳсулот етиштириш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш;

икки ой муддатда лимон экиш, парваришлаш, етиштириш, ҳосилни йиғиштириб олиш, қайта ишлаш, сақлаш, саралаш ва экспорт қилиш масалалари бўйича фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ва тадбиркорлик субъектлари учун жойларда ўқув-семинарларини ўтказиш;

етакчи хорижий институтлар билан лимончиликни ривожлантириш ва илғор инновацион технологияларни кенг жорий қилиш бўйича илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, илмий ходимлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш ҳамда тажриба алмашиш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Тошкент давлат аграр университети ҳузурида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни етиштириш бўйича **кичик инновацион корхона** ташкил этиш чораларини кўрсин.

Бунда корхонанинг асосий вазифаси **"фан – таълим – ишлаб чиқариш"**нинг узвий интеграциясини таъминлаш, дарс машғулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш ва талабаларда амалий кўникмаларни шакллантириш эҳтимлигига эътибор қаратилсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Тошкент давлат аграр университети билан биргаликда университетнинг 3-босқич талабалари орасидан саралаб олинган талабалар учун цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни етиштириш технологиялари бўйича зарурий билим ва малакага эга бўлган мутахассислар тайёрловчи **махсус гуруҳларни** ташкил этсин.

Бунда ўқув аудиторияларини жиҳозлаш, замонавий технология воситалари билан таъминлаш Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, ҳомийлик маблағлари ҳамда халқаро молия институтлари грантлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. "Ўзстандарт" агентлигига халқаро даражада тан олинган стандартлар талабларига мос маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар, жумладан, лимон маҳсулотларини ушбу стандартлар талаблари асосида сертификатлаш ишларини жадаллаштириш юклатилсин.

13. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар бўйича илғор технологиялар, фан ва ишлаб чиқаришдаги ютуқларга оид махсус кўрсатувларни мунтазам намойиш этиб бориш юклатилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш агентлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Уюшма билан биргаликда **икки ой муддатда** 2020 йилда қўшимча **2,5 минг** гектар ер майдонида амалга ошириладиган лимончилик йўналишидаги лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантирсин;

зарур ҳолларда, Уюшма таклифига асосан мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси А.Д.Вахабов, қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Ш.Ж.Тешаев – ушбу қарор ижросининг ташкил этилишини, 2020 йилда амалга ошириладиган лимончилик йўналишидаги лойиҳаларнинг тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиши ва ишга туширилиши, лимонзорлар учун ажратиладиган субсидияларнинг мақсадли йўналтирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш агентлиги директори Н.Э.Нажимов – давлат-хусусий шериклик шартлари асосида Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил этиш, соҳада кооперация муносабатларини шакллантириш ҳамда илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Ф.Ж.Раҳимов, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" компанияси бошқаруви раиси Т.А.Жалилов – халқаро молия институтлари маблағлари жалб этилиши, ташқи бозорлар конъюнктураси бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказилиши ва лимон экспорти географияси кенгайтирилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари – лимонзорлар барпо этиш учун ер майдонларини ажратиш, кооперация муносабатларини шакллантириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, қўшилган қиймат занжирини яратиш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш чораларини кўрсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарлари – лимонзорлар барпо этиш ва ҳудудларни лимончиликка ихтисослаштириш чораларини кўрсин, "Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар" уюшмаси фаолиятига кўмаклашсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 19 февраль

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида "Президентимизнинг Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг вазирлик тизимида ижроси"га бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди. Унда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, сув хўжалиги соҳасида ҳамкор хорижий ташкилотлар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

"Ақлли сув" тизими жорий қилиняпти

– Президентимизнинг Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда республикамиз бўйича 44 минг гектардан зиёд майдонда сув тежовчи технологиялар, жумладан, 24,8 минг гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш режалаштирилган, – деди Сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев. – Мазкур соҳада давлат қўллаб-қувватлови, хусусан, субсидиялар ажратилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. 2020 йилда ҳам сувни тежовчи технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш учун 300 млрд. сўм маблағ ажратилади. Хусусан, қишлоқ хўжалиги экин тури, суғориш технологияси ва ернинг балл бонитетидан келиб чиқиб, томчилатиб суғориш тизимлари учун гектарига 8 млн. сўм, ёмғирлатиб суғориш тизимлари учун 4 млн. сўм, дискретли суғориш учун эса 1 млн. сўмдан субсидия ажратиш назарда тутилган. Шунинг билан бир қаторда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан пахта хомашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш тизимларини қуриш, реконструкция қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасидан бир гектарга 20 млн. сўмдан ошмайдиган қисмининг 10 фоизи миқдорида қоплаб берилмоқда. Мурожаатномада сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарурлиги белгилаб берилди. Бу борада вазирлик тизимида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан имзоланган битимга мувофиқ, республикамизнинг асосий йиллик сув объектларига замонавий "Ақлли сув" тизими жорий қилиняпти. Ўтган йили KOICAнинг грант маблағи эвазига молиялаштирилаётган лойиҳа доирасида 61 та сув хўжалиги объектларига сув сарфини онлайн кузатиш имконини берувчи қурилмалар ўрнатилди. Ушбу тизим 2020 йилда яна 90 та объектда жорий қилинади. "Ақлли сув" тизимини 2025 йилда 300 тага, 2030 йилга бориб эса 1000 тага етказиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, сизот сувлари сатҳи ва минерализацияси тўғрисидаги маълумотларни онлайн узатиш, мониторинг юритиш ҳамда суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш тизимини яратиш мақсадида 2020 йилда 2000 дона, 2025 йилда 6000 дона ва 2030 йилгача 27270 дона кузатув қудуқларида геоахборот тизимлари ўрнатилади. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда 2020 йилда 10 та, 2020–2021 йилларда 20 та ва 2030 йилгача 100 та сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнлари ва сувни назорат қилиш ишлари автоматлаштирилади.

Анжуманда тақдим қилинган маълумотларга кўра, республикамизда ҳозирги кунга қадар 130 минг гектар майдонда сувни тежовчи технологиялар жорий этилган бўлиб, шундан томчилатиб суғориш технологияси 77,4 минг гектарни ташкил этади. 2020 йилда сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонларни 250 минг гектарга етказиш режалаштирилган. Шу тартибда иш олиб бориб, тежамкор технологиялар қўлланиладиган майдонлар 2025 йилга бориб жами 1 млн. гектарга, жумладан, томчилатиб суғориладиган майдонлар 250-300 минг гектарга етказилади. Сув хўжалигидаги илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширишга жорий йилда ўтган йилга нисбатан 2,2 баравар кўп ёки 2 млрд. 200 млн. сўм маблағ ажратилади. 2021-2022 йилларда ушбу рақамни 3,5 млрд. сўм ва 2030 йилгача 5 млрд. сўмгача етказиш режалаштирилган.

Матбуот анжуманида иштирок этган журналистлар мавзуюзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ЭЪЛОН

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш бўйича танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сон қарорига асосан белгиланган тартибда ўтказилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан қабул қилинадиган аризалар танлов ўтказиш кунидан бир кун олдин соат 18:00 да якунланади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун топшириладиган ҳужжатлар ва бошқа қўшимча маълумотларни уюшманинг uzbekbaliqsanoat.uz расмий веб-сайти ёки (78) 148-70-70 ишонч телефони орқали олишлари мумкин.

Танловга қўйилган табиий ҳавзалар рўйхати ва танлов ўтказилиш саналари

№	Туман номи	Табиий сув ҳавза номи	Сувли майдон,га
	Қорақалпоғистон Республикаси (танлов санаси 03.03.2020 йил)		
1	Элликқалъа	301 контур кўли	2,8
2	Элликқалъа	Жинган кўли	3,9
3	Элликқалъа	441 контур кўли	2,1
4	Элликқалъа	Бухан-Мерей кўли	140
5	Элликқалъа	Думанкала	27,5
6	Шуманай	2878-а-сонли контур	5
7	Шуманай	306-сонли контурдаги кўли	22,8
8	Қараўзек	Аэропорт	10,4
9	Тўрткўл	Қизилқум кўли	20
10	Тўрткўл	Куксу Лоток яб Контур кўли	10
11	Тўрткўл	Айдынкўл кўли	10,1
12	Тўрткўл	Шоркўл кўли	16,9
13	Амударё	Шарсапа коли	19
14	Нукус	Қудяр кўли	13,3
15	Нукус	Гунжили кўли	13,5
16	Мўйноқ	Кызыл кеме кўл	565
17	Мўйноқ	Шеге кол кўли	1660
18	Мўйноқ	Киши Жансыз кўли	90
19	Мўйноқ	«Қара Мулла» кўли	220
20	Мўйноқ	«Жауынғыр» кўли	400
20	**Жами**		**3252**
	Бухоро вилояти (танлов санаси 10.03.2020 йил)		
1	Бухоро	Қумсултон кўли	3800
2	Олот	Денгизкўл 3-контур	1000
2	**Жами**		**4800**

№	Туман номи	Табиий сув ҳавза номи	Сувли майдон,га
	Қашқадарё вилояти (танлов санаси 05.03.2020 йил)		
1	Миришкор	Алан кўл 1 контур	170
2	Миришкор	Алан кўл 2 контур	90
3	Ғузор	Пачкамар сув омбори	15
3	**Жами**		**275**
	Тошкент вилояти (танлов санаси 10.03.2020 йил)		
1	Оҳангарон	«Оҳонғарон» сув омбори	552
2	Бўстонлиқ	«Газалкент» сув омбори	186
3	Бекобод	Табиий кўл	2,4
4	Бекобод	Табиий кўл	3,7
4	**Жами**		**744**
	Сурхондарё вилояти (танлов санаси 06.03.2020 йил)		
1	Жарқўрғон	«Оқ тепа сув» омбори	340
1	**Жами**		**340**
	Хоразм вилояти (танлов санаси 05.03.2020 йил)		
1	Қўшкўпир	Чегара кўли	100
2	Қўшкўпир	Тошкент ҳудудидаги 356к контур, 3-участка	24,5
3	Қўшкўпир	Охунбобоев ҳудудидаги 310 контур	3,6
4	Боғот	«Охотсаюз»	68,2
5	Хазорасп	«Шўркўл - 2»	29,3
6	Хазорасп	«Овшар-1»	9,5
7	Хазорасп	«Дарё ости»	39
8	Хазорасп	Уч ўчоқ	30,2
8	**Жами**		**274,1**

"Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси

Алломалар руҳин шод этиб
Беназир тадқиқотлар фидойиси.

Иқтидор соҳибларига эътибор
Маданият марказидаги унутилмас учрашув.

Университетни тамомлаб мактабда ўқитувчилик қилган кезларим туманимиздан бир киши Араб мамлакатларига бориб ишлаб келаётганлиги, уларнинг тилини яхши ўрганиб олиб, катта мутахассис бўлганлиги ҳақида эшитганмиз. Ҳатто кўпчилик у кишини хорижда ишлаб "Волга" машинаси олиб келганлиги, ўша пайтда анқонинг уруғига тенг қора машинани ўз кўзи билан кўрганлиги ҳақида гапириб юрар эдилар. Ўтган асрнинг 60-70 йиллар оралиғи даври учун бу қишлоқ тумани миқиёсида катта воқелик эди. Кейинчалик хизмат юзасидан пойтахтга борган кезларимиз шу тумандошимиз Убайдулла ака билан танишиб, тез-тез учрашиб турадиган бўлдик.

Улуғларни улуғлаган улуғдир

Шу даврда Мисрдаги Асвон тўғони қурилишига собиқ Иттифоқдан кўплаб мутахассислар жалб қилинган бўлиб, уларга араб тилини биладиган таржимонлар керак бўлган. Раҳбарият Тошкент давлат университети шарқ тиллари факультети талабалари орасидан бу тилни яхши биладиган икки нафар талабани ўша мамлакатга юбориш учун танлашган. Университет ректори академик Обид Содиқов уларни қабул қилиб, оқ йўл тилаганлигини яхши эслайди Убайдулла Уватов.

Биринчи хориж сафарида бўлажак олим бўш вақтини деярли китоб излаб, уни ўқишга бағишлаган. Қоҳира университети кутубхонасидан юртимиз тарихига оид жуда кўп манбалар билан танишади. Айниқса, Ибн Арабшоҳнинг Темур тарихига бағишланган китоби уни ўзига маҳлиё қилиб қўяди ва бу китобни ўша даврдаёқ ўзбек тилига таржима қилишга киришади. Бу масъулиятли ишни амалга оширар экан, Убайдулла Уватовнинг китобга мингдан ортиқ шарҳлар ёзганлигининг ўзи, унинг қанчалик катта меҳнат қилганлигидан далолат бериб турибди. Аммо, ўтган асрнинг 70 йилларида қилинган бу таржима фақатгина мустақиллик шарофати билан ўқувчилар қўлига тегди.

Тошкентдан хийла олис Ғузор тумани ёшлари орасида ҳам ўтган аср олтмишинчи йилларига келиб, олий ўқув юртларига кириб ўқийдиганлар пайдо бўлиб қолган эди. Туман аҳли улар билан фахрланиб юришган, ҳатто туманда ўн йилга яқин биринчи раҳбар бўлиб ишлаган Қарол Маҳмудов талабаларни бир жойга тўплаб, улардан ҳол-аҳвол сўраган, кимларгадир ёрдам уюштирган. Ушбу учрашувда қатнашганлар суратга (винетка) тушишган ва бу эсдалик ҳозиргача кўпчиликнинг хонадонида сақланиб келади. Мазкур учрашувда иштирок этган аспирантлардан Убайдулла Уватов, Очил Мавлонов, Чўтти Рўзматов, Абсалом Мавлонов, Абдураҳмон Эргашев сингари ғузорликлар илм-фан оламида катта-катта илмий даражаларга эга бўлишди, халқаро даражада таниқли олимлар сафидан жой олишди. Уларнинг издошлари эса бундан-да юқори чўққиларни забт этиб келишмоқда.

Убайдулла ака Ғузорга йўли тушса, авало, мен ишлаётган туман халқ таълими бўлими идорасига албатта кириб ўтадиган бўлдилар. Ўқитувчилар, мактаб директорлари домланинг келганини эшитибоқ, хонага кириб келаверишар, ўзларини қизиқтирган саволлар билан шарқшунос, тарихшунос олимга мурожаат қилишиб, олган жавобларидан хурсанд бўлиб қолишарди. Бора-бора у кишидан ибрат олиб Тошкентда ишлаб қолиб, ўз юртига келувчи ғузорликларнинг кўпчилиги, халқ таълими бўлимига кириб ўтадиган бўлишди. Олимлар билан ҳамфикр, ҳамкор бўлган кўплаб мактабларимизда таълимнинг янги услублари жорий қилинди ва яхши натижалар кўзга ташланиб қолди.

Бир сафар Мустақиллик байрами арафасида пойтахтдан юборилган олимлар, санъаткорлардан иборат ташвиқот гуруҳи вилоятимизга келиб қолишди. Убайдулла ака ҳам шу гуруҳ таркибида кечки пайт Қаршига келадилар. Эрталаб иш Ғузор туманидан бошланишини билганларидан сўнг, у киши қариндошлари билан дийдорлашиш мақсадида Ғузорда тунайдилар. Эрталаб халқ таълими бўлимига келиб, биз билан суҳбатлашиб турганида, шериклари туман ҳокимлигига келишиб, Убайдулла акани суриштира бошлашди. Туман ҳокими Шомурод Донаев домланинг қаердалигини сўраш учун менга қўнғироқ қилдилар. Мен гўшакни Убайдулла акага узатдим.

– Домла, ҳокимлик бу ёқда қолиб сиз халқ таълими бўлимида нима қилиб юрибсиз?, – дея ҳазил қилди ҳоким.

– Шомурод ака, биз Ғузорга келганимизда доимо "штаб"дан рўйхатдан ўтмасак бўлмайди, – жавоб бердилар Убайдулла ака ва шу суҳбатнинг ўзидаёқ "штаб" ҳақида тушунтириш бердилар ҳокимга. Шу-шу Ғузорда 13 йил ҳоким бўлган Ш.Донаев туманда машҳурроқ одамларнинг қадами узилиб қолса, штаб яхши ишламаяпти, деб хатоимизни айтадиган бўлди.

Бу гапларга неча йил ўтиб кетган бўлсада бундан хабардор бўлган кишилар ҳамон "штаб"ни эслаб юришади.

Убайдулла ака туғилган қишлоқни Чучукота дейишади. Бир томони тоғларга туташган, ён-атрофи яйлов бўлган бу қишлоқнинг ёнгинасида чучук сув чиқадиган булоқ бор. Қишлоқнинг номи балки шу булоқ номи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ёшлиги шу дала-қирларда ўтиб, қишлоқ мактабида саводини чиқарган Убайдулла ака ўрта маълумотни туман марказидаги биринчи ўрта мактабда олган. Тошкентда университетни тамомлаб юртга танилди. У кишининг мактабдош дўстлари Январ Иноятов қишлоқ хўжалиги соҳасида яхши мутахассис бўлиб етишган, вилоятнинг турли туманларини бошқарган. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими. Я.Иноятов узоқ йиллардан буён Қашқадарё вилоятининг нуронийларига бошчилик қилиб келади.

Туман марказидан анча узоқда жойлашган Чучукота қишлоғига почтачи ҳафтаўн кунда бир марта газета, хат-хабарлар олиб борар, шунда ҳам уларни уйма-уй тарқатмасдан қишлоқ ўртасидаги дўконга ташлаб кетар экан. Кечқурун қишлоқ аҳли подага қўшилган молларини ажратиб олиш учун дўкон ёнига тўпланишар ва ўзларига тегишли газета-журналми, хат-хабарми олиб кетишаркан. Дўкон мудири савдо камроқ вақтлари газеталарни варақлаб тўпланганларни дунёдаги хабарлардан огоҳ қилиб юраркан. Бир куни мудир 1971 йил сентябрдаги газетадан Қашқадарё вилоятида Деҳқонобод тумани ташкил қилинганлиги тўғрисидаги хабарни ўқиб қолади.

– Э-э, Деҳқонобод ҳам алоҳида район бўлибди, унга Январ Иноятов деган киши райком бўлибди, – тўпланганларга янгиликни хабар қилибди мудир.

Далада боққан молларини эгаларига тарқатиб дўкон томонга бурилган чўпон одамларнинг бу суҳбатини эшитиб гапга аралашибди.

– Январ бўлса, у ғузорлик. Биз билан Ғузордаги Пушкин номли мактабини тамомлаган. Убай билан иккаласи "А"синфда ўқишар эди, мен "Б"синфни тамомлаганман.

Чўпоннинг гапларини диққат билан тинглаб турган дўкон мудири унга юзланибди:

– Сенгина ҳам "А"гинада ўқисанг ўлармидинг. Қара, бу "А" синфда ўқиб, Убай Тошкентда катта олим бўлиб кетди, яна битта синфдошинг райком бўлибди...

Мустақилликнинг илк йилларида Убайдулла аканинг хизмат хоналарига кириб китоблар, илмга оид журналлар, қўлланмаларга кўзим тушди. Хорижий мамлакатларда иштирок этган илмий анжуманларда тушган суратлари, мақолалари газета ва журналларнинг кўзга кўринган бетларида босилган эди. Шу сафар у кишининг столи устида турган китоб менинг эътиборимни тортди. Олма ота шаҳрида рус тилида нашрдан чиқарилган катта китоб Мотрудия таълимоти ҳақида экан.

– Убайдулла ака, мен Самарқандда ўқиганимда Мотруд деган маҳаллада кўп марта бўлганман, аммо Мотрудия деган таълимот борлиги ҳақида эшитмаган эканман, – дедим.

– Ҳа, – дея чуқур ўйланиб жавоб берди олим, – гап шундаки, биз ҳали кўплаб дунёга машҳур аждодларимиз қолдирган мерослардан етарли хабардор эмасмиз. Мана, энди Мустақиллигимиз уларни ўрганишга катта йўл очиб бермоқда.

Шундан кейин газета ва журналларда Убайдулла ака ва бошқа олимларнинг Мотрудия таълимотига бағишланган мақолалари кўплаб эълон қилинди. Алломанинг хотирасига катта зиёратгоҳ барпо қилинди.

Убайдулла ака мамлакатда, хорижда шунчалик танилган бўлишларига қарамасдан ўзлари ўқиган мактабни ҳар доим эсга олиб, ўқувчилар билан учрашиб туради. Ўтган асрнинг охирги йилларида мамлакатимизда турли диний оқимлар ёшларнинг онггига таъсир кўрсатиб, уларни тўғри йўлдан чалғитишга ҳаракат қилишди. Шунда Убайдулла ака тез-тез келиб тумандаги мактаб директорлари, маҳалла фаоллари ўртасида жуда кўплаб тушунтириш ишлари олиб бордилар. Ўқувчилар билан бўлган учрашувларда уларнинг вазифаси илм олиш эканлигини тинмай тушунтирди.

Олим Ғузор шаҳридаги Мири Жанда зиёратгоҳи тарихига оид илмий изланишлар олиб боради ва бу мавзуда мақолалар эълон қилиб туради. Ўз юрти тарихига қизиқувчи ёшларни ҳар доим қўллаб-қувватлаб келмоқда. Айниқса, ёш тарихчи ўқитувчи Абубакр Эргашевнинг Мусофир ота зиёратгоҳи тарихига доир тадқиқотларига катта эътибор қаратиб, яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Имом Бухорий халқаро марказига раҳбарлик қилган кезлари олим жуда баракали илмий ишлар олиб борганлиги ва жуда банд бўлганлигини кўпчилик билишади.

Қашқадарё заминидан етишиб чиққан насафийлар, кешийлар, ғузорийлар ва бошқа алломаларнинг бой меросини ўрганиш, уларни халқимизга етказиб бериш олимнинг доимо диққат марказида туради. Абу Муин Насафий қолдирган асарларини ўрганиш тўғрисида мақолалар эълон қилди. Аллома дафн қилинган зиёратгоҳни ободонлаштириш ташаббусини кўтариб чиқди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг улуғ алломанинг минг йил олдин қолдирган мероси бугунги кун учун ҳам қанчалик қадрли эканлиги ҳақидаги гапларидан сўнг Қовчин қишлоғида улкан мажмуа барпо этилишига киришилди. Эндиликда бу табаррук маскандан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Абу Муин Насафийнинг хоки ётган тупроқ хориждан келган меҳмонлар учун ҳам катта зиёратгоҳга айланиб бормоқда.

Бугунги кунда Термизийлар илмий меросини ўрганиш мақсадида ташкил қилинган халқаро илмий марказга бошчилик қилиб келаётган Убайдулла Уватов аждодларимиз қолдирган бой меросни ўрганишдан чарчамайди. Тарих фанлари доктори, профессор У.Уватов ҳозирда қутлуғ 80 ёшида ҳам эгаллаган чуқур билимини халққа, айниқса, ёшларга етказиш йўлида ҳамон тер тўкиб меҳнат қилиб келмоқда.

Ҳусниддин НУРИДДИНОВ

Наманган вилояти

Ҳоким мактабларга 1,3 миллиард сўмлик мусиқа асбоблари совға қилди

Наманган шаҳридаги Маданият марказида ташкил этилган учрашувга вилоятнинг барча туманларидаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда умумтаълим мактабларининг иқтидорли ўқувчилари таклиф қилинди.

Учрашув жонли, дилдан суҳбатлар, савол-жавоблар тарзида кечди. Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Президентимиз бошчилигида мамлакатимизда, шу жумладан, Наманганда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, ёшлар ҳаётини янада яхшилаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида гапирди. Уларни яратиб берилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланишга, яхши билим олиб, ҳунар эгаллаб, мамлакатимиз равнақи йўлида фидойилик кўрсата оладиган инсонлар қаторидан ўрин олишга чақирди.

Ҳоким мусиқа мактаблари ҳамда умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган 1370 та тўгаракнинг моддий-техник базасини шакллантириш ташаббуси билан чиқди. Тўгарак раҳбарларига 1 миллиард 300 миллион сўмлик скрипка, рубоб, доира, дутор каби мусиқа асбобларини совға қилди.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

РЕКЛАМА

MAXAM-CHIRCHIQ

Нитрат магний тўлиқ сувда эрийдиган ўғитдир.
Иссиқхона ва очиқ тупроқда суғоришда ва илдиздан ташқари ўғитлаш учун қўлланилади.
Ўсимлик барглларига магний нитратни пуркаш, уларда бир пайтнинг ўзида азот ва магний танқислиги пайдо бўлганда, тавсия этилади!

Янги маҳсулот

МАГНИЙ НИТРАТ

ТАРКИБИДА 14,5 % МАГНИЙ ОКСИДИ ВА 10 % ЎСИМЛИК ЎЗЛАШТИРАДИГАН НИТРАТЛИ АЗОТ МАВЖУД

Маҳсулот сертификатланган

"Maxam-Chirchiq" АЖ.Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси 2-уй. Тел.: + 998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08. Факс: + 998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57
info@maxam-chirchiq.uz, www.maxam-chirchiq.uz

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси "Шифобахш" доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, меҳнат фахрийси
Мамур АЛЛАЯРОВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

РЕКЛАМА

Ҳурматли муштарийлар!

Газетамизга обуна уюштириш йил бўйи давом этади. Обуна таҳририят томонидан ва бошқа барча обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

ОБУНА ИНДЕКСИ 144.

Сиз газетамизда ўз фаолиятингизга оид мақола, реклама ва эълонлар берилишини истайсизми?

Унда бизга телефон, телеграмм, электрон почта ҳамда хат-хабар орқали боғланишингиз мумкин.
Телефонлар: (71) 236-26-50; 233-44-43; 233-28-04.
(90) 982-84-41 (телеграм)
Электрон манзил: info@qishloqhayoti.uz

PLANETA SERVIS

TRAKTORBOR.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган.

Qishloq hayoti
O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир – **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:
Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари
Раимқул СУЯРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50.
Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz
e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-225, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер **Маркс ЮСУПОВ** томонидан саҳифаланди.
5 148 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – **144**
Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 03.30

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир: **А.ҲАҚБЕРДИЕВ**

Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 12456